Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 54 (3555)
6 ДУШАНБА МАРТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

● Бригаданинг беш йиллик топшириғи кам ишчи кучи билан бажарилади

ТРАССА—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

11-«Висотстрой» қурилиш трестининг А. А. Жўраев, 1-уйсозлик комбинатининг В. Д. Брунченко, 153-қурилиш трестининг Р. Зиёев, «Ташсантехгазмонтаж» трестининг Т. Г. Толибов, «Средазтрансстрой» трестининг Э. Йўлдошев бошлиқ Тошкентнинг энг яхши беш қурилиш ва монтаж бригадаси свердловскликлар ҳамкасбларининг ташаббусига қўшилиб, беш йиллик планни муддатидан илгари кам ишчи кучи сарфлаб бажарамиз, деб маълум қилдилар.

Метросозлар бундай муҳим ишдан четда қолишолмайди. Биз бригадамизда свердловскликлар ташаббусини муҳокама қилиб, бригаданинг беш йиллик топшириғини ҳозиргидек 72 киши эмас, 68 киши бажариши мумкин, деган хулосага келдик. Тўрт проходкачини «Ташметрострой»нинг бошқа участкаларига ўтказамиз.

Мен бошқараётган бригада ҳозир қурилаётган Пушкин ва Ҳамид Олимжон номли станциялар ўртасида тоннель қазимоқда. Коллектив аъзоларининг аксарияти Тошкент метрополитени қурилишида дастлабки кунлардан меҳнат қилади, бой тажриба тўплаган. Мунтазам дуч келиб турадиган қийинчиликларга қарамай, биз ҳар ойда пландаги 75 метр ўрнига 85 метр лаҳм қазияпмиз. Натижада, чап перегон бўйлаб тўрт ой ичида 350 темир-бетон ҳалқа ўрнатилди. Шулардан 60 таси пландан ташқари. Олдинда яна 240 погон-метр масофа бор. Шундан сўнг перегон тайёр бўлади. Биз уни 1 июнгача топшириш ниятидамиз.

Бригадамиз 7 октябргача уч йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилган. Албатта сўзимизнинг устидан чиқамиз. Василий Бутусов, Александр Ерофеев, Николай Ситников, Мамарасул Қаршиев каби лаҳмчилар 8-шахтада бошқаларга ўрнак бўлишяпти. Улар сидқидилдан бутун маҳоратларини ишга солиб, меҳнат қилишяпти. Қурувчиларнинг бутун диққат-эътибори бир нарсага — Октябрь революцияси хиёбонидан Максим Горький майдонигача бўлган ер ости трассаси қурилишини мумкин қадар қисқа муддатда тугаллашга қаратилган.

Беш йиллик планга келганимизда бригада уни муддатидан тўрт ой илгари— 1980 йилнинг сентябрь ойи бошларида бажаради. Ўйлаймизки, шу вақтга келиб, метронинг ҳозир биз ишлаётган участкаси ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсата бошлайди.

К. ВИНОГРАДОВ,
Тошкент метро қурилиши трести 2-қурилиш-монтаж бошқармаси 2-участкасининг бригадири.

ВЛКСМ XVIII СЪЕЗДИГА—18 ЗАРБДОР ҲАФТА

КОМСОМОЛ СЪЕЗДЛАРИ ТАРИХИДАН

Бугун ёшлар зарбдор вахтасининг 13-ҳафтаси бошланди. У ВЛКСМ XVII съездига бағишланади. 1958 йил 15—18 апрель кунлари бўлиб ўтган ВЛКСМ XIII съездига Ленин комсомолининг 18 миллион 92 минг 538 аъзоси номидан вакил бўлиб келган 1236 делегат сайланди. Съезд комсомол ташкилотларини коммунистик жамиятнинг актив ва онгли бунёдкорларини тарбиялаш, ёшларнинг муҳим ҳалқ хўжалик вазифаларини ҳал этишдаги ролини оширишга даъват этди.

Ёшлар меҳнат вахтаси

Пешқадам аниқланди

ВЛКСМ XVIII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақада электрон-техника заводида 20 комсомол-ёшлар бригадаси қатнашмоқда. Муҳаммад Абдуллаев, Мария Богнюк, Марьям Алимова бошчилик қилаётган коллективлар улар ўртасида машҳурдир.

Муҳаммад Абдуллаев ва Мария Богнюк бригадалари зарбдор ҳафталарнинг икки марта ғолиби бўлишди. 12-зарбдор ҳафтада эса бешинчи цехнинг Марьям Алимова бошчилик қилаётган йигувчилар бригадаси ғолиб чиқди. Бу бригада корхонада учинчи марта энг яхши деб топилди. Бригада ҳафталик топшириқни 219 процент бажарди.

Ғолиб деб топилди

Трактор заводида ўтган зарбдор ҳафтада Виктор Гудков ғолиб чиқди. У беш кунлик топшириқни 141 процент бажарди.

Виктор заводда тўртинчи йил меҳнат қилмоқда. Шу вақт ичида у юқори малакали йигувчи-слесарь бўлди. Янги тракторни ишлаб чиқаришни биринчилар қаторида ўзлаштирди. Ҳозир Виктор заводнинг барча комсомолларига ўрнак бўлмоқда. У ўз касбининг устаси, ишга меҳр қўйганлардан.

Ўқишда ва жамоат ҳаётида

5-техника билим юрти ўқувчилари ВЛКСМ XVIII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақада қатнашишяпти.

Ўтган ҳафтада 59-группа ғолиб чиқди. Бу коллектив аҳил, бирбирига доимо кўмаклашади.

Группага ишлаб чиқариш таълими мастерлари Т. Спирадонова ва Л. Михайлова бошчилик қилишади. 34 кишидан бу ерда 13 киши аълочи, бошқалари ҳам яхши ўқишади. Группа бадиий ҳаваскорлик тўгарагида қатнашади. Қизлар ўз билим юртларини жуда суюшади. Шунинг учун ҳам унинг ишларида актив қатнашишади. Уларни оталиқдаги мактаб ўқувчилари ўртасида тез-тез кўриш мумкин. Қизлар билим юртини битиришгач, уларнинг ҳар бири 5-техника билим юрти учун муносиб ўринбосарлар— ўқувчилар тайёрлашга қарор қилишди.

ПАРДОЗЛАШ ТУГАЛЛАНДИ

БУГУН

улар уйсозлик комбинатнинг шаҳарчасида 40 хонадонга мўлжалланган турар жой биносини жилолаш ишларини муддатидан илгари тугаллашди.

«Главташкентстрой»га қарашли 1-уйсозлик комбинатининг 1-пардоз ишлари бошқармасида Ефим Петров ва Рамил Илёсов бошлиқ комплекс жилокорлар бригадаси аъзолари номини ҳамма ҳурмат билан тилга олишади. СССР Конституцияси кунигача беш йиллигининг уч йили планини бажаришга қарор қилган бу икки коллектив кунлик топшириқларини 120—130 процентдан бажаришмоқда.

22 апрель—коммунистик шанбалик куни

Юксак унум билан

«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 3-босмахона коллективи москваликларнинг ташаббусини бир овоздан қўллаб-қувватлади. Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллигини муносиб кутиб олиш учун 22 апрелда матбаачилар бир тан, бир жон бўлиб коммунистик шанбаликка чиқишга аҳд қилдилар.

— Коллективимизда коммунистик шанбаликни чинакам меҳнат байрамига айлантириш одат тусига айланиб қолган, — деди мухбиримиз билан бўлган суҳбатда босмахона директори Туҳфатулла Обидов.— Шанбалик иш программасини ҳозирдан белгилаб қўйдик. Шу кунни 380 киши меҳнат қилиб, 5 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Босмахонамизнинг ҳар бир аъзоси шанбаликда юқори унумдорликка эришишга ҳаракат қилади. Хизматчилар корхона атрофини ободонлаштириб, ариқларни тозалайдилар, гул ва дарахт кўчатлари ўтқазадилар. Ниҳоят, зарбдор меҳнат йилининг биринчи шанбалигидан тушган 800 сўмлик маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.



Марьям Инсофова ёг-мой комбинатида биринчи бўлиб беш йиллик планини уч ярим йилда бажариш ташаббусига қўшилган ишчилардан биридир. Пешқадам ишчи қадоқлаш агрегатида меҳнат қилиб, смена топшириқларини ортиғи билан бажариб келяпти. Шунингдек ўз касбини ёшларга ҳам кунт билан ўргатмоқда.

СУРАТДА: М. Инсофова.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

Қора нефть ва Англиянинг «Оқ китоби»

Буюк Британия ҳукумати ҳали яқиндагина Шимолий денгизнинг соҳил бўйи районларида топилган нефтга наҳот ўчоғидек катта умид билан назар солган эди. Бу нефть ёрдами билан мамлакат экономикаси ва молиявий аҳволини оғир кризис ларзаларидан қутқазишга уриниб кўриш мумкин эди.

Маъмурлар дастлабки пайтларда бу нефть билан нафасимизни анча ростлаб оламиз, деб ўйлаган эдилар: мамлакат тўлов балансининг дефицити бирмунча қисқарди, инглиз фунт стерлинги бир қанча вақтгача ўзининг қадр-қимматини туширмай турди. Лекин умуман олганда Англия ҳўжалиги мустаҳкам заминга эга бўлолмади. «Гардиан» ва «Файнэншл таймс» газеталари инглиз ишчи ва хизматчиларидан яна юз мингларча киши ишдан маҳрум бўлиш хавфи остида қолганлигини хабар қиладилар. Пўлат эритиш шу йилнинг январь ойида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан тўртдан бир баравардан кўпроқ камайди. Мамлакатнинг савдо-саноат ва социал ҳаётидаги ана шундай оғир вазиятга доир кўп мисоллар келтириш мумкин.

Бунда гап фақат нефть тўғрисидагина бормоқда. Маъмурлар кўп вақтдан бўён мушкул аҳволга тушиб қолганликлари учун бутун айбни нефть танқислигига тўнкаб келган эдилар. Бунда гап ҳамма соҳалардаги қийинчиликлар тўғрисида боряпти.

Маъмурлар ана шу қийинчиликларни бартараф қилиш учун астойдил ортиқча уринаётганликларини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Ҳозирги кунда, масалан, социал эҳтиёжларга сарф қилинадиган маблағларни кўпайтиришдан кўра ҳарбий харажатларни ошириш масаласи ҳукмрон доираларни кўпроқ ташвишга солмоқда. Англия ҳукуматининг яқинда эълон қилинган «Оқ китоби»дан маълум бўлишича, яқин тўрт-беш йил ичида ҳарбий харажатларни яна кўпайтириш планлаштирилган, вахоланки «Оқ китоб»да кенг меҳнаткашлар оммасининг кескин тус олган социал ва иқтисодий эҳтиёжларига ҳеч қандай эътибор берилмайди.

Бундан ташқари, Ж. Каллагэн ҳукумати Вашингтон изидан бориб, инглиз жамоатчилигининг кўп марта изҳор қилган норозилигига қарамай, яқинда нейтрон бомбани Ғарбий Европа мамлакатларида жойлаштиришга тарафдор эканлигини айтди. Ҳукуматнинг бундай йўли Англиянинг энг зарур социал ва иқтисодий эҳтиёжларига асло мос бўлиб тушмайди ва шу билан бирга тинчлик ҳамда кескинликни юмшатиш ишига зарар етказади.

С. СТОКЛИЦКИЙ,
ТАСС шарҳловчиси.

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

Москваликларнинг 22 апрелда В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш учун бошлаган ташаббусини шаҳримиздаги тажриба пиллакашлик фабрикаси ишчи-хизматчилари кенг қўллаб қувватлади.

Куни кеча бу ерда бўлиб ўтган йиғилишда 456 ишчи ёппасига меҳнат байрамига чиқишга қарор қилди. Коммунистик шанбалик кунида 6.5 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бу маҳсулотлар биринчи сортга қабул қилинади.

Корхонанинг О. Муталова, Г. Шодиева, А. Шукуров каби пешқадам ишчилари унумли меҳнат қилиш билан бирга фабрика территориясида олиб бориладиган ободончилик ишларига бошчилик қилишади. Шу куни корхонанинг ички ва ташқи территорияси чиқиндилардан тозаланиб, дарахтлар таги юмшатилади ва мева кўчатлари, рангбаранг гуллар ўтқазилади.

ҚИЗҒИН ТАРАДДУД

— Коллективимиз аъзолари ҳам москваликлардан ўрнак олиб, доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллиги айёмида коммунистик шанбалик ўтказишга қарор қилишди. —дейди «Строймашавтотранспортация» созлаш-монтаж бошқармасининг бошлиғи С. Тоиров.— Шанбаликни ўюшқоқлик билан ўтказиш учун махсус штаб тузилди. Шу куни коллективимиз аъзолари юксак самарадорлик ва сифатга эришишга аҳд қилди.

Бошқарманинг шанбаликни ўтказиш бўйича тузган тадбирларига кўра, «қизил шанбалик»да 318 нафар ишчи ва инженер-техник ходим иштирок этади. 4 минг сўмлик қурилиш-монтаж ва созлаш ишлари амалга оширилади, материал ва техника ресурсларидан унумли фойдаланилиши туфайли 2 минг 400 сўмлик даромад олинади. Ўшанчи беш йиллик фондига 1150 сўм ўтказилади.

ФАН САРИ ҚАДАМ

Диплом ишлари ва лойиҳалари республика конкурсига якун ясалди. Конкурсда йигирма тўртта олий ўқув юрти қатнашиб, 539 студентнинг иши кўрикка қўйилди. Уларни кўриб чиқиш учун фан ва техниканинг алоҳида қисмларидан иборат бешта конкурс комиссияси тузилди. Кўриб чиқилган ишларнинг аксарияти ишлаб чиқаришга жорий қилишга тавсия этилди.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ ГАЗЛАМА

Ҳар йили савдо тармоқларига «Маликa» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси маркаси билан 13 миллион дона устки трикотаж буюмлари етказиб бериляпти. Корхонада такомиллаштирилган, замонавий ишлаб чиқариш технологиясининг кенг жорий этилиши сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга катта ёрдам бераяпти. Бу ерда меҳнат унумдорлигини ўстириш корхонага бир йилда 350 минг сўм фойда келтиришда. Ҳозирги кунда «маликачилар» кўпгина буюмларни Давлат Сифат белгиси билан топширишяпти.

Корхона модельерлари ва конструкторлари харидорларнинг талабларини ўрганиб, шулар асосида буюмлар ассортиментини кенгайтириб боришмоқда. Айниқса, материалларнинг сифатига ва безагига алоҳида эътибор берилаяпти. Яқинда бирлашма конструкторлари яна битта янги полотно ишлаб чиқдилар. Бу полотноннинг таркибини 72 процент полиэфер ва 20 процентини ип-газлама капаваси ташкил этади. Янги материал чўзилмайди ва киришмайди, ўзининг чидамлилиги, гигиенлиги ва безагига кўра ипакдан қолишмайди. Ҳозирги кунда ундан эркаклар ва болалар костюмлари, сарафан ва болаларнинг калта шимларини ишлаб чиқармоқда.

М. ҚОРАТОЕВА.

ТОШКЕНТНИ БОҒ-РОҒЛАР ШАҲРИГА АЙЛАНТИРАМИЗ

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Ташаббускор Октябрь район меҳнаткашлари районларини янада обод ва кўркам қилишга киришдилар. Район халқ маорифи бўлимига қарашли 30 та мактаб ва 38 та боғчанинг ўқувчи, ўқитувчи ва тарбиячилари шанба ва якшанба кунлари ўтказиладиган умумхалқ ҳашарларида актив иштирок этишга аҳд қилдилар.

Ҳозир райондаги олтита мактабда теплицалар бўлиб, бу ерда 48 мингдан ортиқ ранг-баранг гуллар парвариш қилинмоқда. Ҳадемай ана шу гуллар марказий кўча ва хиёбонларга, мактаб территорияларига ўтказилиб, шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшади.

Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва шаҳарнинг санитария ҳолатини яхшилаш бўйича ўтказилаётган икки ойликда ўқувчилар ёрдами билан 4,5 минг туп мевали ва манзарали дарахт, 5 мингдан ортиқ яшил тўсиқ ва 2300 туп гуллар ўтказилади. Бундан ташқари 8560 погон метр ирригация шохобчалари тозаланади.

КЕЧА

райондаги 102-мактаб ўқувчилари Беруний проспектига ҳашарга чиқишди.

СУВ РАВОН ОҚАДИ

Шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасига қарашли сув хўжалиги бошқармасининг коллективи

БУГУН

Кайковус каналининг 3,5 километрлик участкасини тозалаш, канал ўзанидаги чиқиндиларни ташиб кетиш, соҳилларнинг айрим жойларига ёғоч тўсиқлар ўрнатиш ва бетон қоплаш, гидротехника иншоотлари капитал ремонт ишларини авж олдириб юборди.

Бу сув иншооти ёз пайтида Октябрь ва Собир Раҳимов районларига, шунингдек Чиғатой канали орқали Калинин районидаги эртанги сабзавотларни суғориш учун секундига 10 куб метрдан ортиқ оби-ҳаёт ўтказади. Ҳозир бу ерда иш олиб бораётган бошқармасининг П. Ўроздбеков бошлиқ бригадаси ва У. Нортожиев бошлиқ участкаси коллективи канални капитал ремонт қилиш ишларини 10 мартгача тугаллашга аҳд қилишган.

Ирригация ва гидротехника иншоотлари трестининг 2-ремонт-қурилиш бошқармаси 13.5 километрлик Ялангоч каналини тозалаш, гидротехника иншоотларини ремонт қилиш, каналнинг айрим жойларига бетон қоплаш ишларини олиб бормоқда.

Бундан ташқари, Чиғатой ва Қўкча каналларида ҳам ремонт ва тозалаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бу йил ҳаммаси бўлиб, шаҳар сув хўжалиги бошқармаси коллективи 330 минг сўмлик капитал ремонт ва 200 минг сўмликка яқин суғориш иншоотларини тозалаш ишларини амалга оширадилар. Ёзнинг жазирама иссиқ пайтларида шаҳардаги суғориш тармоқларидан дарахтлар ва боғларга секундига 40 куб метрдан ортиқ оби-ҳаёт етказиб берилади. Бундан ташқари, бу йил Чиғатой, Кайковус, Тўрт ва Ракат каналларини реконструкция-лаш, бу сув иншоотлари соҳилларини тўла бетонлаш ишлари амалга оширилади. Кўзда тутилаётган бу ободончилик ишлари шаҳримизни янада кўкаламзорлаштириш ишларига зарар етказади.

С. СТОКЛИЦКИЙ,
ТАСС шарҳловчиси.

ЭЛЕКТРОНИКА ИНСТИТУТИ УЧУН

«Главташкентстрой» 4-қурилиш трестининг 19-бошқармаси бинокорлари Академиклар шаҳарчасида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси электроника институтининг биносини қуришмоқда. Институт комплекси олти қаватли инженерлик лаборатория корпуси, уч қаватли ёрдамчи блок ва бошқа бинолардан ташкил топади.

Бинони пардозлашда турли мармар, гранит ва бошқа бинокорлик материалларидан унумли фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Алюмин витраждар ва офтобдан ҳимоя воситалари оригинал қилиб тайёрланади.



Меҳнат Қизил Байроқ ордени навбатчи Юсуф Маҳмуджонов 20 йилдан бери токарлик касбини эъзозлаб келади. У ҳозир «Узсельхозтехника»га қарашли тажриба-ремонт механика заводининг мотор цехида кунига 30— 35 тадан шатун тайёрлаб бериб, меҳнатда намуна кўрсатмоқда.

СУРАТДА: токарь Юсуф Маҳмуджонов навбатдаги деталга ишлов беряпти.

А. Жумаев фотоси.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Октябрь районидаги Марказ-27 кварталида фойдаланишга топширилган уч қаватли замонавий бинода поликлиника иши тушди. Бу ерда бир кунда бир йўла 500 кишига медицина хизмати кўрсатилади. Поликлиника техника ускуналари билан яхши жиҳозланган. Шу беш йилликда Октябрь районида бир қатор янги медицина муассасаларининг қурилиши ҳам бошлаб юборилади.

Охунбобоев майдонида Урта Осиёда энг йирик уч қаватли дорихона қурилиши тугалланяпти. Яқин кунларда у ишга туширилади. 1-шаҳар касалхонасида 120 ўринли хирургия корпусининг қурилиши ҳам ниҳоясига етказилмоқда. Худди шу шифохонада йил охирига бориб тўрт қаватли кардиология корпуси фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари 6-касалхонани реконструкция қилиш ишларига киришилади.

Куни кеча бўлиб ўтган Октябрь район соғлиқни сақлаш ходимлари активининг йиғилишида район ижроия комитетининг раиси А. Қодиров, район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири О. Нурматов ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар шу ҳақда гапирдилар.

Ҳозир районда 20 га яқин касалхоналар, поликлиникалар, туғруқхона ва санаторийлар ишлаб турибди. Уларда 2300 дан ортиқ врач ва ҳамшира хизмат кўрсатмоқда.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети «Лекция пропагандасининг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Ушбу қарорнинг баёни кечаги тонгги газеталарда эълон қилинган.

● Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Густав Гусак ва Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг Раиси Любомир Штроугалнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинга йўллаган табрик телеграммаси бугун «Правда» газетасида эълон қилинган. Телеграммада халқаро экипаж бошқараётган «Союз-28» космик кемасининг учирилганлиги муносабати билан самимий табриклар изҳор этилади.

● 4 март куни Тошкентда Ўзбекистон комсомолининг XXI съезди ўз ишини тугаллади.

АРХИТЕКТУРА ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзи мактаб ўқувчилари ўртасида ҳозирги замон архитектураси ва қурилиш ишларига қизиқиш уйғотиш, ёшларни бу соҳанинг сўнгги ютуқлари билан атрофлича таништириш мақсадида архитектура халқ университетини ташкил қилди.

Куйбишев ва Киров районларидаги бир қатор мактабларнинг ўқувчилари машғулотларга жалб этилди.

Университет машғулотларини олиб бориш учун шаҳримизнинг таниқли меъморлари: шаҳар бош архитектори С. Р. Одилов, бош план институти директори Х. Турсунов, архитектура фанлари кандидатлари К. Салоҳиддинов, Т. Қодирова ва бошқалар жалб этилган.

Университет машғулотларида болаларга жаҳон архитектура маданиятининг қадимий дурдоналари, мамлакатимиздаги нодир иншоотлар, Тошкент шаҳрида кейинги йилларда амалга оширилган катта архитектура ва планлаштириш ишлари ҳақида гапириб берилади, меъморлар билан учрашувлар ўтказилади.

Университет машғулотларини олиб бориш учун шаҳримизнинг таниқли меъморлари: шаҳар бош архитектори С. Р. Одилов, бош план институти директори Х. Турсунов, архитектура фанлари кандидатлари К. Салоҳиддинов, Т. Қодирова ва бошқалар жалб этилган.

ҒОЛИБ ХАРАКТЕРИНИ КЎРСАТДИ



Кеча Тошкентда ўтказилган футбол бўйича VIII Халқаро ўсмирлар турнири ниҳоясига етди.

Финалда ва бошқа ўринлар учун нурашадиган командалар шанба куни аниқланди. Ҳамюртларимиз — Ўзбекистон ўсмирлар терма командаси финалга йўлланма олишлари учун СССРнинг иккинчи ўсмирлар терма командасини енгишлари лозим эди. Лекин майдонда ўзгача ҳодиса юз берди. Кескин кураш вазиятида ўтган учрашувда 1:0 ҳисобида СССРнинг иккинчи ўсмирлар терма командаси ғалаба қозонди.

Ҳамюртларимиз эртасига учинчи ўринни қўлга киритиш мақсадида эроплик тенгдошлари билан майдонга чиқишди. Ҳар икки команда ўйинчилари ғалаба учун ҳаракат қилиб, тез-тез ҳужум уюштириб турдилар. Лекин фақат бир марта ҳужум ниҳоясига етказилди. Уни Ўзбекистон терма командасининг ҳимоячиси Денисов бажарди. Шундай қилиб Ўзбекистон терма командаси халқаро турнирда учинчи ўринни эгаллади.

Ҳал қилувчи учрашувда СССРнинг биринчи ва иккинчи командалари майдонга чиқишди. Иккинчи терма команда ўйинчиларига нисбатан тажрибалироқ бўлган биринчи команда ўйинчилари ташаббусни ўз қўлларига олиб биринчи бўлиб ҳисобни очишга эришдилар. Иккинчи терма команда дарвозасига тўпни турнирнинг энг мерган ҳужумчиси Спиридон киритди. Учрашув тақдири ҳал бўлди деган тушунча билан биринчи терма команда ўйинчилари майдонда ноаниқ ҳаракат қила бошладилар. Натижада иккинчи терма команданинг ҳужумчиси Карпиков уларнинг дарвозасига жавоб тўпини киритди. Учрашувнинг тақдири қўшимча белгиланган вақтнинг сўнгги ўн минутида ҳал бўлди. Иккинчи терма команданинг ўйинчилари кетма-кет ҳужум билан рақибларини шошириб қўйишди ва уларнинг дарвозасига иккита тўп киритишди. Ана шундан кейингина биринчи терма команда ўйинчилари ҳисобни тенглаштириш ниятида кескин ҳужумга ўтишди. Ҳужумчи Гуринович иккинчи ўсмирлар командаси дарвозасига чийилли тўп киритди. Лекин ҳисоб шундан кейин ўзгармади. СССРнинг иккинчи ўсмирлар терма командаси VIII Халқаро турнир ғолиби бўлди.

Бешинчи ўринни Польша, ундан кейинги ўринларни эса Венгрия, ГДР, Болгария, Украина ва Чехословакия терма командалари эгаллашди.

ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИ ХРОНИКАСИ

Иқтисодий таълим истиқболи

Кадрлар иқтисодий таълими бўйича методик советнинг навбатдаги йиғилишида «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида иқтисодий таълимнинг аҳволи муҳокама этилди. Бу ҳақда иқтисодий таълим бўйича методик совет раиси Н. Хўжаев гапирди.

Бирлашманинг барча цех ва участкалари ишчилари иқтисодий таълим шохобчаларидаги машғулотларга жалб этилган. Мавжуд 22 та группадаги машғулотларда меҳнаткашлар иқтисодий билимларини бойитиб боришяпти. Жами 660 киши машғулотларда актив қатнашмоқда.

Бу ерда ишчилар учун «Иқтисодий билим асослари» ва «Самарадорлик ва иш сифатини оширишда илғор тажрибаси» курслари юзасидан машғулотлар қизиқарли олиб борилмоқда.

Навбатдаги жанговар вазифа

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисида»ги Мактубида баён этилган қоида ва хулосалар асосида В. И. Ленин номли электрон-техника заводи партия комитети йиғилишида партия ўқуви шохобчалари машғулотлари учун тузилган тадбирлар плани муҳокама этилди.

Мактубда таъкидлаб ўтилганидек, машғулотларда эришган олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини анализ қилиб бориш, янада юқорироқ марраларга эришишда машғулотлардан самарали фойдаланиш тадбирлари кўрилмоқда. Бунда актив пропагандистлардан асбобсозлик цехи бошлиғи В. Несвет, бўлим бошлиғи О. Южний ва бошқа ўнлаб кишилар отаиш сўз ва шахсий намуна кўрсатиш билан бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

Бошқирдистон диёрига

Узбекистон ССР Фанлар академияси химия институтининг олимлари Бошқирдистон кўмирчиларининг буюртмаси бўйича кўмир қазиб чиқариш чоғида ҳосил бўладиган чиқитлардан самарали ўғит — аммоний гуммати олиш технологиясини уларга юбордилар.

(ЎзТАГ).

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА МУКОФОТГА ЖАВОБАН

Яқинда матбуотда 1977 йил якуни бўйича Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида голиб чиқиб КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олган илғор саноат корхоналарининг рўйхати эълон қилинди. Булар орасида шаҳримиздаги 4-сон маҳсулотлари комбинати ҳам бор.

Корхона ўтган йили планга қўшимча 5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини планга нисбатан 1 процентга ошириш, маҳсулот ҳажми ўсишининг 90 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш орқали эришди. Омухта ем цехида оқсил аралашмасини узатиш бўйича конвейер ишга туширилди. Натижада омухта ем ишлаб чиқариш қуввати ортди. Янгидан-янги машина-механизмларнинг ўрнатилиши натижасида биринчи сорт билан шоли ишлаб чиқариш кўпайди. Корхонада йил давомида ишлаб чиқариш ҳажмининг 20 процент ўсишига тўла равишда меҳнат унумдорлигини юксалтириш орқали эришилди.

— Комбинатимизнинг КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланганлиги ҳақидаги хушхабарни коллективимиз зўр шод-хурамлик билан кутиб олди, — деди бизга корхона директори Александр Никитич Иванов. — Мамлакатимизда коммунистик мўл-кўлчиликни юзага келтириш йўлидаги камтарона меҳнатимиз партия ва ҳукуматимиз томонидан бу қадар юқори баҳоланганлиги бизга КПСС XXV съезди қарорларини бажаришда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади. Меҳнат самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун курашда янги зафарларга ундайди.

Комбинат ишчилари январь ойи бошида янги йилда планга қўшимча 3,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мажбурият олишганди. Корхонага Бутуниттифоқ кўчма Қизил байроғи берилганлиги муносабати билан бўлиб ўтган митингда коллектив янги оширилган мажбурият қабул қилди. Унда, жумладан бешйилликнинг уч йили топшириғи СССР янги Конституцияси кунигача, йиллик топшириқни эса 7 декабрда бажариб, қўшимча 4 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш, 130 минг киловатт-соат электр қувватини тежаш, маҳсулот ҳажми ўсишининг 95 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш орқали эришиш каби бандлар бор. Ҳозир бу ерда мана шу юксак мажбуриятларни бажариш учун қизғин кураш кетяпти.

Коллектив январь ойи реализация топшириғини 109,6 процент бажариб, савдо тармоқларига планга қўшимча 431.3 минг сўмлик маҳсулот чиқарди. Ҳозир айниқса 1, 2-гуруч цехларида иш жадал суръатлар билан давом этяпти. Бу цехлардаги Ю. Исроилов, Р. Муҳамедзянов, Н. Шокиров ўртоқлар бошлиқ бригадалар вақтдан унумли фойдаланиш, машиналарнинг бетиним ишлашини таъминлаш орқали графикдан уч ярим-тўрт ой ўзиб меҳнат қилишяпти.

Комбинатга республиканинг турли хўжаликларидан келаётган шолиларнинг намлик ва тозалик даражаси ҳар хил. Шунга қарамасдан коллектив технологияга қатъий амал қилиш, ишчилар ўртасида ўзаро назоратни кучайтириш, ҳар бир кишининг топширилган вазифага юксак масъулият билан ёндошишга эришиш орқали стандарт талаблари даражасида маҳсулот тайёрлаяпти. Комбинат дарвозасидан ҳар куни Тошкент, Андижон, Наманган каби шаҳарларнинг савдо тармоқларига 230 тонна ўрнига 250—255 тонна сифатли гуруч жўнатиляпти.

Коллектив беш йиллигининг зарбдор йилидаги юксак мажбуриятларни бажариш учун бир қатор ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш ҳам режалаштирди. Шунга биноан комбинат 3-автоколонна билан биргалиқда корхонадан шолини контейнерларда ташишни йўлга қўймоқчи. Шу мақсадда 90 та контейнер сотиб олинди. Бундан ташқари шолидаги чангни тозалаш учун қўшимча дуаспираторлар, омухта ем цехида янги дозаторлар қўйилади.

Ишчилар, инженер-техник ходимлар ўртасида ўзаро социалистик мусобақани авж олдириш, техника тараққиёти йўлини изчил давом эттириш коллективга беш йиллигининг зарбдор ўнинчи йили учун белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажариш имконини беради.

А. ЭГАМНАЗАРОВ.



«Ташсантехгаз монтаж» трестига қарашли 1-монтаж бошқармаси коллективи шаҳримизда қад кўтараётган кўплаб турар жой бинолари қурилишида барақали меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: ана шу бошқарманинг илғор монтажчиларидан (чапдан-ўнгга) Валерий Пономаренко ва Рашид Омоновлар тасвирланган. Бу бунёдкорлар смена-ойлик топшириқларини доимо бир ярим баравар ортиғи билан адо этишмоқда.

• Социалистик мусобақа — ютуқлар омили

ТАШАББУС АСОСИДА

СОЦИАЛИСТИК мусобақа муваффақиятларни кўлга киритишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мусобақа натижасида ишлаб чиқаришда янгидан-янги ташаббуслар майдонга чиқмоқда. Масалан, республикамиз ўн беш нафар бинокорининг ватанпарварлик ташаббусини олиб кўрайлик. Уни трестимизнинг саккиз нафар бригадаси қўллаб-қувватлаган эди. Мана ҳозир ўнинчи беш йилликнинг икки йили ортда қолиб, учинчи — зарбдор йили бошланганида ташаббускорлар ўтган йили эришган муваффақиятлар ҳақида ўйлар экансиз, социалистик мусобақанинг кучига яна бир бора тан берасиз.

Трестимизга қарашли 28-қурилиш бошқармасида Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери С. Мирхолдоров бошлиқ кошинкорлар ва Ш. Тополидис бошлиқ мармарчилар бригадаси аъзолари ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажариб, 1981 йил ҳисобига меҳнат қилишяпти. В. Ирклиенко раҳбарлигидаги бригада коллективи ҳам беш йиллик планини бажариш арафасида. Улар айни кунларда 1980 йил ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

13 бригада, шу жумладан 28-қурилиш бошқармаси москваликлар ва ленинградликларнинг СССР Конституцияси кунига қадар беш йиллигининг уч йили топшириқларини бажариш ҳақидаги ташаббусига қўшилишган.

Трестда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати тобора кенг тус оляпти. Бунда икки ярим мингдан зиёд қурувчи иштирок этяпти. 117 бригаданинг 41 таси коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашмоқда. 55 бригада эса ана шу номни шарафли меҳнати билан оқлаб келяпти. 964 қурувчи коммунистик меҳнат зарбдори, уларнинг кўпчилиги ҳукуматимиз юксак мукофотларини олишга сазовор бўлишган.

Коллективимизда социалистик мусобақани уюштириш тўғрисидаги шартларга қатъий амал қилинади. Ишлаб чиқариш пешқадамлари, коллективларни маънавий ва моддий жиҳатдан тақдирлаш, меҳнат беллашувининг ошкоралигини таъминлаш, илғор тажрибаларни оммалаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Социалистик мусобақанинг шартлари коллективларнинг олдида турган вазифаларни конкретлаштиради. У ички резервларни комплекс ҳолда қидириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш, пардоз ишларининг сифатини яхшилаш, объектларни ишга тушириш муддатларини қисқартириш, барча ходимларни қабул қилинган социалистик мажбуриятларини бажариш учун курашга сафарбар этишда муҳим аҳамият касб этади.

Трестнинг 1978 йилга қабул қилинган социалистик мажбуриятларида йиллик қурилиш-монтаж ишлари планини муддатидан илгари 28 декабрда бажариб, 8 та умумий таълим мактабини, кўплаб турар жойлар, мактабгача болалар, медицина муассасаларини ва бошқа маданий-маиший объектларни фойдаланишга топшириш белгиланган.

Бу катта вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун барча резервларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш, биринчи навбатда пардоз ишларининг сифатини таъминлаш, кадрлар қўнимсизлигига қарши курашиш, иш вақтини тежашга эътибор берилиши лозим.

Биз доим иш вақтини қадрлашга ҳаракат қилямиз. Бироқ баъзи пардозловчилар ҳамиша жилокорлик ишларига тайёр бўлмаган объектларда ҳам иш бажаришяпти. Чунки, айрим ёрдамчи пудратчи ташкилотчиларимиз бизга ўз вақтида иш фронти ҳозирлаб беришмаяпти. Ишни тугаллаганимиздан сўнг кўпинча сантехниклар, вентиляция ускуналарини монтаж қилувчилар келиб, амалга оширган ишларимизни бузишади. Кейин бинони қайтадан пардозлашга тўғри келади. Натижада кўплаб қурилиш материаллари исроф бўлади, сифатга путур етади.

Социалистик мусобақани намунали уюштиришда ишлаб чиқариш командирлари — бригадирларга таянамиз. Чунки улар ўз ташкилотчилик қобилиятларини кўрсатиб, коллектив аъзоларини муваффақиятлар сари етаклайдилар. Масалан, 24-қурилиш бошқармасининг Георгий Ивангелу бошлиқ бўёқчилар бригадасини олиб кўрайлик. Коллективда Р. Файзиахмедов, О. Геоцель, О. Мухин сингари жилокорлар кўп йиллардан бери бу коллективда меҳнат қилиб келишади. Ҳамма бу малакали ишчиларга тенглашишга интилади. Ҳатто яқиндагина ишга келган Геннадий Трошин, Елена ва Лидия Ивановалар ҳам тажрибали бинокорларга эргашишлари туфайли кунлик нормаларини ошириб бажаришяпти.

Бригадада меҳнат интизомига қаттиқ риоя қилинади. Прогулчиларга муросасиз бўлишади. Шу сабабли бўлса керак, бригадада меҳнат унумдорлиги жуда юқори. Социалистик мусобақа якунларига кўра коллектив ой сайин пешқадамлик қилмоқда. Бироқ, Мирон Фигель бошлиқ бригадада эса бунинг аксини кўрасиз. У бошлиқ бригадада меҳнат интизоми жуда бўш. Коллектив бажараётган ишларнинг сифати талабга жавоб бермайди. Планлар мутасил бажарилмайди.

Бу йил трестимизнинг барча бошқармаларида, бригада коллективларида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, сабабсиз ишга келмаслик ҳолларига барҳам берилади, объектларни ўз вақтида ишга туширишга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мактубида биз бинокорлар олдига жуда муҳим ва масъулиятли вазифалар қўйилган.

Г. ГОЛБАН,
«Главташкентстрой» Пардозлаш трести бирлашган касаба союз комитети раисининг ўринбосари.

ЖАҲОН ЭЙНАСИ

Архитекторлар ҳиссаси

БУДАПЕШТ. Халқ Венгриясининг шаҳар ва қишлоқларида қурилаш ишлари йил сайин кенг қулоч ёймоқда. шаҳарлар ва қишлоқлар гўзаллашиб, обод бўлмоқда. Венгрия мутахассисларининг бу соҳадаги ишлари чет элларда ҳам эътироф этилди.

Венгрия бинокорлари Совет Иттифоқидаги ҳамда бошқа қардош социалистик мамлакатлардаги ҳамкасблари билан мустаҳкам ҳамкорлик қилмоқдалар. Совет мутахассислари тузган лойиҳалар асосида Венгрияда тўққизта уйсозлик комбинати ва бир қанча саноат объектлари барпо этилди. Яқинда Будапештда спорт саротаҳини ҳамкорлик йиғини қуриш плани биргаликда тузиб чиқилди.

ПОЛЬША ПОЙТАХТИ БИНОКОРЛАРИ

ВАРШАВА. Варшаванинг Модлинь кўчасида янги қурилган уйсозлик комбинати белгиланган ишлаб чиқариш қувватига муддатидан тўрт ой илгари эришди. Бу эса унинг коллективига Польша пойтахтида уй-жой қурилишини кенгайтиришга катта ҳисса қўшиш имкониятини беради. Комбинат учун асосий технология асбоб-ускуналари СССРдан келтирилди. Совет инженерлари шу ускуналарни ўрнатиш ва созлашда ёрдам бердилар.

Комбинат маҳсулотининг катта қисмини ҳозирги вақтда ҳам Варшаванинг Гоцлав янги микрорайонидаги қурилишларга юборилади.

ЮКСАК МУВАФФАҚИЯТ

ПРАГА. Лабаоедр кемачилиги меҳнаткашлари ўтган йили «мовий магистраллар»дан 3.900 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташидилар.

1978 йилда пароходчилик дарёчилари олдида янги янада мураккаброқ вазифалар турибди. Юк ташиш ҳажми 40 процент кўпаяди. Янги юк ортиш-тўширишга иншоотлари дарёчиларга шу вазифани бажаришда ёрдам беради. Бундай иншоотларни қуриш Литомержица портида бошланди. Прагадаги юк ортиш ва тушириш пристанларининг кемаларни ўтказиш қобилияти ҳам ошади.

ЮГОСЛАВИЯ ГИДРОАККУМУЛЯЦИЯ СТАНЦИЯСИ

БЕЛГРАД. Югославия марказий районларининг энергетика системасида ҳар куни икки марта эрталаб ва кечқурун эҳтиёж айниқса кўпаяди. Дрина дарёси устида қурилаётган «Баина—башта» гидроаккумуляция қилувчи станция шу эҳтиёжни қоплайди.

Электр энергиясига эҳтиёж камроқ бўладиган тунги пайтда станция агрегатлари дарё сувини сунъий сув омборига чиқариб беради. Электр энергияси энг кўп сарфланадиган соатларда машиналар тўплаб қўйилган сув билан айланадиган турбиналар сифатида ҳаракат қилади.

«Баина—Башта»—Югославияда қурилаётган биринчи гидроаккумуляция қилувчи станциядир. Унинг қувватини 600 минг киловаттга етказиш мўлжалланмоқда.

МАГИСТРАЛ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА

БУХАРЕСТ. Руминияда Дунай дарёси устида учинчи кўприк қуришга киришилди. У дарёнинг энг катта тармоқларидан бири устида барпо этилмоқда. Бу йил Черновода тўртинчи кўприкни қуриш ҳам бошланади. Дунай устида янги темир йўл кўприклари қурилиши билан айни бир вақтда Бухарест билан Констанца ўртасидаги 270 километрлик трасса бўйидаги барча станциялар қайта қурилади. йўлни электрлаштириш ишлари тугалланади. Магистралларнинг модернизация қилиниши йўлнинг ўтказиш қобилиятини 40 процент кўпайтириш. темир йўл составлари ҳаракати тезлигини бир соатда 140 километрга етказиш ва уларнинг қатнов муддатини икки баравар камайтириш имкониятини беради.



ОБЪЕКТИВДА — ВАРШАВА.

СУРАТДА: китоб магазинида кўргазма. Польша Халқ Республикасида совет оммавий-сиёсий ва илмий-техник адабиётларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. О. Кузьмин фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ЯНГИСТАУНДАГИ ФОЖИА

НЬЮ-ЙОРК. АҚШда бўлган навбатдаги темир йўл фалокати Флорида штатидаги чоғроқ бир Янгистаун шаҳри аҳолиси учун фожиага айланди. Тунда бу ерда транспорт состави издан чиқиб кетди. Унда бошқа юклар билан бирга заҳарли газлар ҳам олиб кетилаётганди. Авария натижасида хлор солинган цистерналар шикастланди ва паға-паға заҳарли газлар атроф районларга тезда ёйилди. Бир неча соат ичида бу жой анча заҳарланди.

Маҳаллий маъмурларнинг фикрича, хлор оқиши авария жойидан икки километрдан зиёд радиусда кишиларни ўлдирадиган даражадаги заҳарланишга сабабчи бўлиши мумкин.

Шу вақтгача Янгистаун аҳолисидан 8 киши нобуд бўлди, 70 га яқин киши касалхоналарга келтирилди. Уларнинг кўпларидан умид узилган. Маъмурлар шаҳардан ва атрофлардаги аҳоли пунктларидан 2500 кишини кўчиришга мажбур бўлдилар. Фалокат юз берган районга заҳарланган районларда ишлашга ўргатилган ҳарбий бўлинмалар ошғич равишда келтирилди.

Янгистаундаги фожиа АҚШнинг жанубий-шарқида кейинги 48 соат ичида рўй берган иккинчи шундай ҳодисадир. Ундан олдин Уэйверли шаҳрининг (Теннесси штати) марказида суюлтирилган пропан олиб кетаётган темирйўл составини издан чиқиб кетганди. Газли цистерналарнинг портлаши натижасида 20 дан ортиқ киш. нобуд бўлган. 145 киши жароҳатланг а н д и. Портлаш натижасида шаҳарда ёнғинлар ҳам чиқди.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон парламенти 1978-79 молия йилининг давлат бюджети лойиҳасини муҳокама қилишга киришди. Лойиҳада даромадларнинг 173.67 миллиард рупия, харажатларнинг эса 184.17 миллиард рупиядан иборат бўлиши кўзда тутилган.

Молия министрининг айтишича, давлат бюджетининг лойиҳаси Ҳиндистон ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини биринчи навбатда ривожлантиришни назарда тутган янги иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларини акс эттиради. Шу мақсадлар учун ажратиладиган маблағ 4.9 миллиард рупия, яъни қарийб 40 процент кўпаяди ва келгуси молия йилида 17.54 миллиард рупиядан иборат бўлади. Экономиканинг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун сарфланадиган маблағ тахминан 13 процент ошади. Мамлакатнинг қишлоқ районларида аҳолини иш билан банд этиш проблемасини ҳал этишга катта эътибор берилади. Шу муносабат билан ирригация, чорвачиликни ривожлантиришга, йўлларни, сув билан таъминлаш системасини, майда ва ҳунармандчилик саноатини кенгайтиришга сарфланадиган капитал маблағ анча кўпайтирилади.

Энергетикани, нефть химияси ва металлургия саноатини, фан ва техника, соғлиқни сақлашни ривожлантиришга, шунингдек аҳолининг иқтисодий жиҳатдан қолоқ табақаларининг турмуш даражасини ошириш программасини бажаришга кўпроқ маблағ ажратиш планлаштирилди.

Эфиопиянинг позицияси

АДДИС-АБЕБА. Эфиопия ҳукумати Африка бирлиги ташкилотининг принципларига содиқ эканлигини яна тасдиқлайди ва Сомали — Эфиопия можаросини бартараф қилишда бу ташкилот комитетининг воситачилигига қарши эътироз билдирмайди. Аммо Сомали қўшинлари Эфиопия территориясидан тамомила олиб чиқиб кетилгандан кейингина Эфиопия билан Сомали ўртасида музокаралар бошланиши мумкин. Бизнинг еримизга бостириб кирган Сомали қўшинлари Эфиопиядан тамомила чиқиб кетмагунча музокаралар бошлаш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Эфиопия муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши доимий комитетининг аъзоси, шу кенгашнинг ташқи алоқалар бўлими бошлиғи Берхану Байе шундай баёнотни эълон қилди. У Эфиопия делегациясига бош бўлиб Лагосга жўнаб кетди ва бу ерда Эфиопия муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг раиси Менгисту Хайле Марнамнинг махсус мактубини Нигерия Федерал ҳарбий ҳукумати бошлигига топширади.

• Беш йиллик гвардияси

Биринчи бўлиш қийин

Тошкент тўқимачилик комбинатининг донгдор тўқувчиси Вера Ивановна Солдатова коммунистик шанбалик ҳисобига уч минг метр газлама тўқишга қарор қилди. Бу унинг бултурги «қизил шанбалик» фондига қўшганидан қарийб 600 метр кўп. Хизмат зонасини кенгайтириш ишчининг шундай қадам ташлашига ёрдам берди. У 64 тўқув станогини бир ўзи бошқариб, комбинатда бу билан энг юксак меҳнат унумдорлигига эришди. Тўқувчининг характери — меҳнат унумдорлигини ошириш резервларини тинмай излаш, эришилган натижалардан доимо қониқмаслик хислатлари мана шу ватанпарварлик ташаббусини юзага келтирди.

Вера Ивановнанинг ишчи биографияси уч та ўн йилликка баравар. У бундан бир неча йил аввал комбинатда биринчи бўлиб 32 станокда ишлашга ўтган эди. Ўшанда бу марра эришиб бўлмайдигандек туюларди. Сўнгра корхонанинг энг яхши ишчиларидан бири бўлган Солдатова цехда энг паст иш унуми билан «шуҳрат қозонган» ўттизинчи комплексга ўтишга қарор қилди. Бу комплексда ишчилар кўп вақт ишлаб қолмасдилар: станоклар шалоқ, калаванинг тез-тез узилиб туриши натижасида унум бўлмас ва оқибатда иш ҳақи ҳам паст эди. Вера Ивановна айни шу ерда Л. П. Казанцева билан илк бор учрашди. Улар бир-бирлари билан смена алмашиб ишлай бошладилар, ҳам дугона, ҳам мусобақада бир-бирларига рақиб бўлдилар. Биргалашиб қийин курашда бутун комплектни олдинга «тортиб чиқардилар». Эндиликда бу комплект нафақат комбинатда, балки бутун мамлакатда ҳам энг яхшилар қаторида ҳисобланади. Тошкентлик тўқувчиларнинг ҳамма рекордлари айни шу станоклларда вужудга келган.

Икки донгдор меҳнаткашнинг рақобати икковларига ҳам кўп наф берди. Дам битаси, дам иккинчиси олдинда борарди. Лидия Павловна республикада биринчи бўлиб нормадаги 24 ўринга 48 станокда ишлашга ўтди. Энди бўлса, яна Вера Ивановна ундан ўзиб кетди. Биринчи навбатда йиллар оша қиёмига етган юксак профессионал маҳорат унинг юксак нагрузка билан ишлашига ёрдам бермоқда. У асосий ишни бажаришни— узилган калавани нормадаги 25 секунд ўрнига 17 секундда улашни ўргаиб олди. Полотно ва ўришга эътибор бериб туриш комплектда калава узилишини камайтирмоқда ва бунинг натижасида бутун смена мобайнида яна бир соатга яқин вақт тежалмоқда.

Комбинатдаги бошқа донгдор ишчилар каби В. И. Солдатованинг муваффақиятлари ҳам корхона кўпгина ходимларининг қалин ҳамкорликлари натижасида вужудга келди. Инженерлар 64 станокнинг ҳар бири ҳамиша «комплект соҳибаси» назоратида турмоғи учун машина-ускуналарни айланиб ўтишнинг энг мақбул маршрутини тузиб чиқдилар. Мастер ёрдамчиси И. Коростилевнинг жуда яхши ишлаши туфайли станоклар ҳамиша намунали ҳолда турибди. Бу нарса техниканинг бекор туришини минимум даражага қадар келтиради.

Вера Ивановна рекорд самара билан ишлаб, комбинатнинг тўқувчилари орасида биринчи бўлиб шахсий беш йиллик планини бажариб қўйди. Шундай қилиб, у бундан икки йил аввал зиммасига олган мажбуриятини, меҳнат унумдорлигини икки баравар ошираман, деган ваъдасини бажаришга ҳал қилувчи ҳисса қўшди. Донгдор ишчи эришилган натижалар билан чекланиб қоладиган киши эмас. Вера Ивановна дастлабки мажбуриятини қайтадан кўриб чиқди. У КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобан ўнинчи беш йилликда ўн икки йиллик нормани бажариш мажбуриятини олди. Ўзбекистон тўқимачилари учун шу янги юксак маррани ўзлаштирувчи киши ҳам яна В. И. Солдатова бўлди.

Э. ШАЛЬ,
ЎзТАГ мухбири.



Шаҳримиздаги «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи беш йилликнинг учинчи йили план-топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб меҳнат қилмоқда. Корхона ишчилари орасида «Йиллик планни — СССР Конституциясининг бир йиллиги нишонланадиган кунгача бажарамиз» шиори асосида ишлаётганлар сони тобора ортиб бормоқда. Сиз ушбу фотолавҳада бирлашманинг ёш зарбдор уровчиси, комсомол аъзоси Ирина Новошчинани кўриб турибсиз. Бу илғор ишчи доимо сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан бошқаларга ўрнак бўлмоқда. У шахсий беш йиллик топшириқларини уч ярим йилда бажариш мажбуриятини олган.

М. Нуриддинов фотолари.

2 Тошкент БЕТ. ОКШОМИ
6 МАРТ, 1978 й.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Халқаро хотин-қизлар куни арафасида биз оқшомхонлардан келган навбатдаги саволларга, яъни 8 Март қачондан бошлаб нишонланиб келинаётгани, халқ хўжалигининг қайси тармоқларида аёллар кўпчиликни ташкил этиши ҳақида, Шуҳрат орденининг тўла кавалерлари тўғрисида берган саволларига жавоб қайтарамиз.

* * *

Н. КОМИЛОВА: Халқаро хотин-қизлар куни нечанчи йилдан бери байрам қилиб келинади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: 1910 йили социалист аёлларнинг иккинчи Халқаро конференцияси ҳар йили 8 Март кунини меҳнаткаш аёлларнинг уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашдаги халқаро бирдамлик Куни деб ҳисоблаш ҳақида карор қабул қилди. 1911 йили бу кун биринчи марта нишонланди. Россияда 8 Март биринчи марта 1913 йили нишонланган эди. Петербург ишчилари аёлларнинг иқтисодий ва сиёсий тенг ҳуқуқлилиги учун курашни ўзларининг шиорлари сифатида олдинга сурдилар.

* * *

Р. ҲАКИМОВА: Биз аёллар халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида эркаклар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилмоқдамиз. Айтингчи, шундай бўлса-да аёллар халқ хўжалигининг қайси тармоқларида кўпчиликни ташкил этишади?

Жавоб: 1975 йил сўнгига келиб мамлакат халқ хўжалигида 102 миллион 160 минг ишчи ва хизматчи иш билан машғул эди. Уларнинг 52 миллион 539 минги ёки 51 процентини аёллар ташкил этди.

Аёллар халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ишламоқдалар. Лекин соғлиқни сақлаш, физкультура ва социал таъминот муассасаларида улар бир мунча кўпчиликни ташкил этишади. Бу тармоқларда аёллар миқдори 84 процентни ташкил этади.

* * *

А. ҚОРАБОЕВА: Улуғ Ватан уруши жангларида жасурлик кўрсатиб учта даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланган эркаклар кўпчиликни ташкил этишади. Хўш, аёллар орасида ҳам Шуҳрат орденининг тўла кавалерлари борми?

Жавоб: Ҳа, бундай аёлларимиз бор. Ватанимиз ўзининг жасур қизлари жасоратини муносиб тақдирлади. Немис-фашистларга қарши курашдаги жанговар хизматлари учун 150 мингдан зиёд аёл орден ва медаллар билан мукофотланган. 200 аёл эса бир марта ёки икки марта Шуҳрат ордени билан тақдирланган, тўрт аёл эса шу орденнинг тўла кавалерларидир. Булар — Данутё Юргино Станичене (Маркаускене), Надежда Александровна Журкина (Киев), Матрена Семеновна Нечепорчукова (Ноздрачева) ва Нина Павловна Петровадир.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРИГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Ксения Васильевна Колмогорова 1-ЖЭКда фаррош бўлиб ишлар эди. Уни боши жароҳатланган ҳамда 1-даражали бош мия қалқиши билан Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг касалхонасига олиб келишди. Бунга унинг ўзи сабабчи бўлди. У об-ҳаво шароити ноқулай кунларнинг бирида эрталаб Фарҳод кўчасининг Қатортол кўчаси билан кесишган қисмини кесиб ўта бошлади. Худди шу пайт Виктор Климов НИССА—521 маркали 66—29 ТНД номерли микроавтобусини ҳайдаб чорраҳага кириб келди. У йўловчини босиб кетмаслик учун рулни шартта чапга бурди ва қаршидан келаётган автобусга урилди. Унинг машинаси зарбдан сўрилиб бориб, чап қаноти билан Колмогоровани уриб юборди.

Қўшиқ дўстларни тўплайди

«Дўстлар таронаси» халқаро музикали программасида ўнта социалистик мамлакат эстрадаси усталари иштирок этадилар. Баҳор кириб келаётганлигининг нишоналаридан бири бўлиб қолган ана шу анъанавий қўшиқ ва рақс фестивали Совет Иттифоқидаги шаҳарларда ўн учинчи марта ўтказилмоқда. Унинг тароналари 1 март куни Волгоградда янгради, кейин эса фестиваль Тошкент ва Фрунзеда, Олмаота ва Москвада икки ой мобайнида ўтади... Константин Орбелян раҳбарлигидаги Арманистон Давлат эстрада оркестри программада мамлакатимизнинг намояндаси сифатида қатнашади.

Санъат шинавандалари март ойида бошқа ёқимли учрашувлар ҳам кутмоқдалар. Европа. Осиё, Америкадаги йигирмадан ортиқроқ мамлакат ижрочилари бизга хорижий тароналар ва рақсларни олиб келадилар. Уларнинг қаторида Мичел (Испания). Норданка Христова (Болгария), Вера Шнайденбах (ГДР) сингари эстрада қўшиқчилари бор.

Гастроль эълонлари жиддий музикаларни ажойиб ижодий коллективлари билан учрашувлардан дарак беради. Нью-Йорк «Про арт» камер оркестри Ленинградда, Рига, Вильнюс, Минск, Киевда ўз маҳоратини намойиш қилади. Меҳмонлар орасида Белград ва Братислава симфоник оркестрлари, Софиядан квартет, Брнодан духовой квинтет бўлади.

Март ойида СССРнинг олтмишдан ортиқ шаҳрида чет эл ижрочиларининг концертлари бўлади.

Ўз навбатида кўп миллатли совет санъати намояндаларини олис гастроль маршрутлари ҳам кутмоқда. Москва «Боян» оркестри гастроллар программасини очиб беради. Рус халқ чолғу асбобларининг бу коллективи Болгарияга, мамлакат турклар зулмидан озод этилганлигининг 100 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашмоқда.

Евгений Светланов бошчилигидаги СССР Академик симфоник оркестри март ойида Скандинавия мамлакатларида. Игорь Моисеев раҳбарлигидаги СССР Академик халқ рақс ансамбли Японияга гастроль қилади. СССР Большой театрининг етакчи санъаткорлари ҳам чет мамлакатларда ўз маҳоратларини намойиш қилишади. Қўшиқчи Елена Образцова Англияга, балет солистлари Екатерина Максимова ва Владимир Васильев Австрияга, Наталья Бессмертнова ва Михаил Лавровский Америка Қўшма Штатларига сафар қиладилар.

И. ВЕКСЛЕР,
ТАСС мухбири.



Афсонавий разведкачи Совет Иттифоқи Қаҳрамони Н. И. Кузнецов номли шаҳримиздаги 5-мактабнинг «Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди» шон-шуҳрат музейи алангали Ватан уруши ҳақида қизиқарли ҳикоя қилади. Бундан 8 йил муқаддам ташкил этилган музей янгидан-янги экспонатлар билан кенгайиб бормоқда. «Қизил нэтопарлар»га тарих ўқитувчиси Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Т. П. Храмова раҳбарлик қилмоқда.

СУРАТДА: мактаб ўқувчилари музей экспонатларини кўздан кечиришмоқда.

Ҳ. Шодиев фотоси.

Адабиёт ва санъат

• *Гулғунчалар*

ИСТЕЪДОД ҚИРРАЛАРИ

Санъат оламида шундай ижодкорлар бўладики, улар бирор саҳна асари ё кинодаги ижроси билан киши кўнглига киради. Томошабининг бир олам меҳрини қозонади. Табиийки, бу бахтга мушарраф бўлгунича у оғир ва машаққатли йўлни, изланиш йўлини босиб ўтади.

Ҳали йил ҳам тўлгани йўқ. Ўзбек Давлат «Ёш гвардия» драма театри саҳнасида ўзбек совет адабиёти асосчиси, атоқли шоир Ҳамзанинг «Ишқ қурбонлари» асари қўйилди. Асардаги асосий роллардан бири— Маҳмудхонни ижро этган санъаткор Мурод Ражабов образни ҳаётий, жонли талқин этгани билан томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Яқинда Марказий телевидениедан кинорежиссер Учқун Назаров суратга олган «Қўқон воқеаси» фильми намойиш этилди. Фильмдаги қўрбоши Эргаш образи ҳам бир қатор образлар каби ажойиб ижроси билан томошабинларда чуқур таассурот қолдирди, эларнинг олқишини қозонди.

Албатта, Мурод Ражабов бу шарафга бирдан эришгани йўқ. Асли, ёшлигида у рассом бўлишни орзу қиларди. Мактабни тугатгач, Островский номидаги театр ва рассомчилик институти рассомлик факультетига ҳужжат топшириб ҳам. Лекин омади чопмади. Ана шу тасодиф сабаб, у актёрлик факультети кечки бўлимига кириб қолди. Ўқув йиллари Мурод Ражабов Охунбобоев номли ёш томошабинлар театрида ишлай бошлади-ю, профессионал саҳналаги илк изланишлари бошланди. Кейинчалик Ўзбек Давлат «Ёш гвардия» драма театри юзага келди-ю, Мурод Ражабов ҳам шу даргоҳга ишга таклиф этилди. Мана, шунга ҳам ўн йилча вақт бўлди. Бу давр ичида Мурод Ражабов чех драматурглари Братислав Блажкининг «Учинчи орзу» асарида сеҳргар, Братислав Нушичнинг «Фақат ақл сотилмайди» пьесасида Благин, Ҳамзанинг «Ишқ қурбонлари» асарида Маҳмудхон, Абдуқаҳхор Иброхимовнинг «Биринчи бўса» асарида Шокир, болгар драматурги Стротиевнинг «Ҳаммомга бало борми» асарида Иван Антонов каби қатор, ранг-баранг образлар яратдики, у яратган бу образлар томошабин кўнглидан мустаҳкам ўрин олди.

Мурод Ражабов кино санъатида ҳам ўзига хос образлар яратган санъаткордир. Дастлаб, 1973 йили кинорежиссёр Учқун Назаров «Оловли соҳил» фильмини суратга олишда уни ҳам таклиф этди. Шу асарда ижро этган Санжар образи— Мурод Ражабовнинг бу соҳадаги дастлабки қадами эди. Ана шу —муваффақиятли, дадил қадамидан сўнг унинг кино санъатидаги изланишлари бошланди. Кинорежиссёр Ларимиз кетма-кет, янгиданянги, бири бирига ўхшамаган ролларни унга таклиф этишда бошлашди. Кинорежиссёр Альберт Хачатуровнинг «Менинг катта акам» фильмида Бахтиёр, М. Ғафировнинг «Асов оққуш» фильмида Пўлат, Т. Камоловнинг «Ўзганинг бахти» фильмида Омон каби қатор, қайтарилмас образлар яратди. Бу роллар ижросида Мурод Ражабов истеъдодининг қирралари қайтарилмас тарзда намоён бўлди. Унга, унинг келажагига томошабинларда ҳам, санъаткорларда ҳам катта ишонч туғилди. Шу боисдан ҳам ўзбекистонлик ва югославиялик кинематографлар ҳамкорликда суратга олаётган «Алангали йиллар хроникаси» номли кўп серияли фильмнинг асосий ролларидан бирини ўйнашга санъаткор Мурод Ражабовни таклиф этишди.

Шу кунларда у кинорежиссёр Равил Ботиров бошчилигида суратга олинаётган ана шу фильмдаги бош роллардан бири бўлмиш — Исмоилбек образи устида қунт билан ишламоқда.

Мурод Ражабовнинг санъаткор сифатида ҳозир айни кучга тўлган палласи. Олдинда эса янги-янги образлар, роллар яратишдек улуғвор режалар, эзгу мақсадлар турибди.

Ғ. ҲОТАМОВ,
Р. ИСМАТУЛЛАЕВА.

● МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

Замондошларимиз образи

...Бошида катта рўмолли, эгнида узун кўйлакли, ёйсимон қошларига ўсма қўйган бир аёл, очиқ жойда ўтириб, тиззаси устига шоҳи белбоғ ёйиб, уни моҳирлик билан тикмоқда. Эндигина ниҳоясига етган шекилли, ишига сўнгги сайқал бераётир.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Рўзи Чориев ижодида шу кунги аёллар образи жуда яхши тасвирланган. Унинг «Сўзана» деб аталмиш асарида ана шундай тасвир ўз ифодасини топган. Аслида, сурхондарёлик аёлда миллий қиёфа, яхши кайфият унинг ҳуснига-ҳусн қўшган.

Яна бир иши— «Алла» картинасида оналик улуғланади. Бешик қучоқлаб, фарзанд ороми учун она алла айтмоқда. Биз, онанинг алла қўшиғини эшитмасак-да, унинг ёқимли ҳаракатлари орқали рассом ёркин ранглар оқимида шу —алла қўшиғини томошабинга етказолган.

Истеъдодли ёш рассом Р. Чориевнинг шу икки асари бахтли аёлларимизга бағишланган етук, эскирмас туҳфасидир. Бу ишлари бошқа асарлари қатори Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида томошабинларда жуда яхши таассуротлар қолдираётир.

САККИЗЛИК

Келинг, ёшлик кўйин куйлайлик
Ҳур ёшларимиз, эй дугонажон.
Ёшлик қуёши порлаган дилда,
Қайғу ҳеч вақт бўлмагай меҳмон.

Ёшлигимиз — жўшувчи дарё,
Ёшлигимиз— бахт тўла уммон.
Кошки эди ёшлик завқи-ла,
Мангу шодон яшаса инсон.

Мавлуда МИРСАИДОВА.

ДЎСТЛИК ЭКСПОЗИЦИЯСИ

Тошкентнинг Куйбишев районидаги Шумилов номли 60-мактабда ГДР мактаб ўқувчилари ишлаган расмлар, олган фотосуратлар ва ясаган буюмлар виставкаси очилди. Бу мактаб Германия — Совет дўстлиги жамиятининг коллектив аъзосидир. Ўқувчиларнинг Росток, Лейпциг, Веймар, Берлин, Дрезденда ва бошқа немис шаҳарларида дўстлари бор.

Мактабда очилган экспозиция Тошкентлик болаларни немис болаларининг ҳаёти билан таништиради. Ўзбекистонлик болалар эса республикамизнинг ҳаёти тўғрисида чет эллик тенгқурларига ҳикоя қилиб бермоқдалар. Шумиловлик ўқувчилар ГДРнинг Росток шаҳрида ташкил этган виставкалари «Тошкент— тинчлик ва дўстлик шаҳри», «Ўзбекистон — «оқ олтин» ўлкаси», «Пахта — бойлигимиз» деб аталади.

(ЎзТАГ).

КУЗ ВА БАҲОР

Сарғайган япроқлар йўлкага, кўчага
ва боққа
Учган юлдузлардек тўкилмоқда.
Табиатнинг яшиллик аталган
орзу тилаги
Чоч-чокидан бир-бир
сўкилмоқда...
Юрагимда эса бир ширин,
маъсума кайфият
Кўзларим ичига ҳаяжон
ёзмоқда.
Сабаби, узилган япроқлар ўрнида
ниш урган
Куртаклар баҳорнинг расмини
чизмоқда.

Ҳамид НОРҚУЛОВ.



Москвадаги марказий кўргазмалар залида очилган «Қаҳрамонона 60 йил» бадиий виставкасини томошабинлар катта қизиқиш билан кўздан кечиришмоқда. Бу виставка СССР Қуролли Кучларининг 60 йиллигига бағишлаб очилган эди.

СУРАТДА: рассом В. Н. Яковлевнинг «Гвардия генерал-майори Н. В. Панфилов» асаридан репродукция.

ТАСС фотохроникаси.

Лирика дафтаридан

Куз шамоли эсиб
қолди,
Жуҳжиктириб баданни.
Отағинам совутмоқда
Гижинглаган саманни.
От қулоғин чимиради,
От совутиш баҳона,—
Менга пинҳон
нигоҳ ташлар
Шогирд бола—
бўз бола.
Нигоҳлари бир
умидвор,
Недир унда яширин.
Юрагида наҳот ишқ
бор,
Пинҳон сақлар у
сирин?
Чақноқ кўзлар
ялтиҳоли...
Отам сезиб, қолар
жим.
Нақ бўғзига
келиб жони,
Ғазаб балқар
юзига ним.
Отажоним,
ғазаб қилманг,
Унга тиланг камол-ей,
Меҳрини рад
этар бўлсам,
Чавандозга увол-ей.
Қаранг, бошин
эгиб маъюс,
Тулпор ёлин силайди.
Вужудига югуриб муз,
Балки... меки
ўйлайди...
Ана, отга сакраб
минди,
Қамчи урди тўшига.
Гўё узоқ сукутдан
сўнг
Келган кабн ҳушига.
От жиловин бўш
қўяди,
Кўзлагани тоғу тош
Вой, қайларга
йўл оласан,
Шошмасанг-чи,
чавандоз!
Саман қанот
боғлаб учар.
Уфқларга кўзи оч.
Гўё унсиз у ҳайқирар:
— Шамол, менга
ёз қулоч...
Отам хушнуд
кулимсирар,
Завқ қўйилиб қонига.
«Зап отимиз
бор-да, қизим,
Худди одам жони-я»..
Уфқ олис,
сингиб кетар
Унга қайсар
чавандоз.
Сочин йиғиб,
қуёш ботар,
Ва тун ёзар поёндоз.
Қора чодир
қоплаганда
Қир-адир, тоғ тошини.
Чавандозсиз
қайтар саман,
Маъюс эгиб бошини.
Мен ҳайратда...
Отам жим, лол,
Сўзлашга йўқ баҳона.
Нигоҳларда
бир хил савол:
— Қани шогирд—
бўз бола?
Отам ногоҳ сўз
қотади,
Сал титроқ овозида:
«Қизни севган
отанинг ҳам
Чидайди-да нозига.
Бироқ қаттиқ
нетдим чоғи,
Қурғур ўзим каби
дов»...
Отам шундай ўкинади,
Қўлларида бўш жилов.

Шарифа САЛИМОВА.

Таҳсимот

ҲАЖВИЯ

Боқижон маошини олди-ю, нарироқдаги столда взнос йиғиб ўтирган касаба союз кассирининг олдига борди.

— Олти сўм ўттиз тийин, — деди кассир унинг бетига қарамай.

Боқижон ҳайрон бўлди.

— Взнос 1 сўм 30 тийин бўларди-ку.

Кассир «фаросатингга балли ей», дегандек мийиғида кулиб қўйди.

— Байрам келяпти, акаси жонидан! Беш кундан кейин 8 март!

Боқижон хижолат бўлиб, дарров олти сўм ўттиз тийин узатди. Кассир аввал взнос дафтарига, кейин эркаклар рўйхатига қўл қўйдириб олди.

Иш тугаши билан Боқижон универмагга югурди. Биринчи қаватнинг бир чеккасида пайпоқ сотилаётган экан. Онасига атаб икки жуфт пайпоқ олди. Кейин иккинчи қаватга чиқди. Қараса, бир чеккада эркак-хотин аралаш одамлар тирбанд бўлиб ётибди. Суриштирган эди, уйда кийиладиган крепсатин халат сотилаётган экан «Яхши бўлди.— деб суюнди Боқижон.— Баҳонада хотининг совғасидан ҳам қутуладиган бўлдим».

У совғаларни кўтариқлаб, оғзи қулоғига етгудек бўлиб уйига кириб борди.

Олтинчи синфда ўқийдиган кизи ошхонада картошка арчиб ўтирган экан. Дадасининг қўлидаги совғаларни кўриб соғиниб кетди.

— Менгами? — деди халатни очиб.

Боқижон қизчасини унутиб қўйганига уялиб кетди.

— Бу опангга қизим. — деди юпатиб. — Эртага ўзим сенга чиройли кўйлак олиб келаман!

— Мактабимиздаги синф раҳбаримизга ҳам совға киларкансиз.— деди кизи жовдираб. — Ҳамма болалар уч сўмдан йиғяпти.

Боқижон дарров 3 сўм чиқариб берди.

Шу пайт 2-синфда ўқийдиган ўғли югуриб кириб қолди.

— Қани, тўрт сўм чўзинг дада! — деди ҳовлиқиб. Мактаб опамизга атлас оладиган бўлдик. Болалар ҳаммаси йиғиб бўлишди. Битта мен қолдим.

Боқижон шу ўғлини айниқса яхши кўрарди. Тўрт сўм эмас, беш сўм чиқариб берди.

Бир пиёла чой ичиб бўлиши билан, хотини ишдан қайтди. Қоғозга ўроғлиқ халатни кўрди-ю, кувониб кетди. Боқижоннинг у юзидан. бу юзидан ўпиб олди.

— Сизга ярашадиганини топамиз-да, ўртоқ хотин!— деди Боқижон халатайиб.

— Ҳар ким ўз онасини ўйлар экан-да,— деди хотини биродарига маъюс тортиб. Ойим бечора икки ойдан буён касал ётибдилар. Қайси куни кўргани борсам. ҳамманг ўз бола-чақанг билан бўлиб кетдинг, кийишга дурустроқ жемперим қолмади. дедилар. Шунака кунларда ўғиллари йўқлиги билинади-да.

Боқижон ичидан хўрсиниқ келганини сездирмаслик учун. индамасдан учта ўн сўмлик чиқариб берди.

— Бунинг устига синглим янги келин,— деди хотини. —Эсингиздами. 23 февраль куни сизга запонка совға қилиб келувди.

Бундан ўн кун илгари қайнсинглиси олиб келган запонка Боқижоннинг эсига тушди. У умрида енгига запонка таққан эмасди.

— Неча пуллик нарса эди ўзи? — деди у хотинининг кўзига тикилиб.

Хотинининг лаби бурилди.

— Гап пулдами? Доим шунақа қиласиз. Биров сизни одам деб совға қилса...

Боқижон хотинининг одатини биларди. Ўзи яхши хотину баъзан тогдан тушиб келаётган аравадек тарақ-туруқ қилиб ҳамма ёқни бузиб юборади. Шунинг учун дарров олдини ола қолди.

— Нима совға қиламиз, Раънохонга?

— Нима бўларди, бироита тушолсак етар. Французский тушь магазинда топилмайди. Қайси куни бозорда кўрувдим. Ўн беш сўм деб турувди. Ўн уч сўмларга бериб қолар ...Ундан кейин. 23 февралда Акида ҳам қуруқ келмаган. «После бритья» деган кремни ўша олиб келган.

Боқижон соқол олингандан кейин суркалса. қўланса ҳид келадиган кремни эслади.

— Акидага кўп нарса керак эмас. Битгагина перламутровий лак етади,— деди хотини уни юпатиб.

Боқижон ҳамма пулни бериб, қутулганига шукур қилди. Энди телевизор кўриш учун ёнбошлаган эди эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Нима учундир чақонлик қилиб эшикни ўзи очди. Қараса. пастдаги гастрономда кассир бўлиб ишлайдиган Василахои турибди.

— Лолангиг опасига совға олаётгандик, — деди у зинадан тез чиққани учун бўлса керак. ҳарсиллаб. — Шунга списка тузяпмиз. Хоҳласангиз тўланг, бўлмаса тағин ўзларинг биласизлар.

Унинг бу гапи пул берсанг, бер, бўлмаса, қизингни боғчадан ҳайдаттириб юборамаи. деганлек эшитилди-ю Боқижон секин ошхонага бурилди.

— Хотин, бояги пулдан уч сўм қарз бериб тур. — деди ялиниб.

Василаҳон билан кетма-кет хотини ҳам отланиб қолди.

— Ботирни яслидан олиб келгин десам, қизингиз кўнмаяпти.— деди шошa-пиша этигини киниб.

Боқижон яна қайтиб келиб телевизор кўра бошлади. Беш минутчалан кейин эшик яна жиринглаб колди. Боқижон очиб қараса. тўртинчи қаватда турадиган қўшниси Салимбой ака. Бу одам аллақайси базада ишлар, ҳамма уни Салибойвочча деб атагани учунми бир уйда туришса ҳам Боқижон уни унча ёқтирмас эди.

— Келинг, қўшни. — деди совуққина қилиб.

— Раҳмат, холис хизмат билан юрибмиз, — Салимбойвачча пижама тагидаги қорнини силаб қўйди.— Шу қўни-қўшнилар йиғилиб, бир савоб ишни ўйлаб қўювдик. Ботиржонингизнинг ясли опаси шўрлик бева. Шунга байрам баҳона бироита қимматлироқ нарса олсак. деб турибмиз. Беш-бешдан йиғяпмиз. Менинг ўзим ўн кўшдим. Мана. кўринг,— Салимбойвачча пижамасининг чўнтагидан бир пачка пул чиқарди.

— Қанақа Ботир? — деди Боқижон кўзларини пирпиратиб.

Ҳайратдан Салимбойваччанинг оғзи очилиб қолди. — Ҳаммом ёнидаги яслида тарбия қилинадиган Ботиржон сизнинг ўғлингизми ахир? Сиз Боқижонмисиз ахир?

— Йўқ,— деди Боқижон елкасини қисиб. — Менинг ҳеч қанақа яслига борадиган болам йўқ. Мактабга борадиган қизим ҳам. яқинда эрга теккан қайнсинглим ҳам. ўсал бўлиб ётган қайнонам ҳам, хотиним ҳам. борингки ўзим ҳам йўқман. Энди қутулдимми? — Шундай деди-ю, эшикни қарсиллатиб ёпди.

Ў. ҲАМИДОВ.

ЁШ ТАЛАНТЛАР МАКТАБИ

Успенский номидаги Тошкент музика мактаби М. А. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси ҳузуридаги ўн бир йиллик республика ўрта махсус музика мактаби (интернат)га айлантирилди. Истеъдодли болаларнинг музика чалишини тинглаш ва уларни ўқишга қабул қилиш учун ўқитувчилар Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларига жўнаб кетдилар.

Мактаб биноси билан ёнма-ён тўрт қаватли чиройли корпус қад кўтарди. Ҳар бири бир неча кишига мўлжалланган хоналар, ёруғ ошхоналар, беш хоналарда республика колхозлари, совхозлари, шаҳарлари ва посёлкаларидан келган ёш созандалар ўқиш даврида истиқомат қилади. Машғулотлар ва репетициялар ўтказиш учун мўлжалланган хоналар, беш ўринли концерт зали, спорт зали, қарийб 65 минг томли китоби бўлган кутубхона уларнинг ихтиёрида.

Ҳозир мактабда беш юздан кўпроқ бола шуғулланмоқда. Машғулотлар икки ихтисослик — фортепьяно ва оркестр чолғу асбоблари бўйича рус ва ўзбек типларида олиб борилмоқда. Ўқувчилар саккизинчи синфдан бошлаб стипендия оладилар. Мактабнинг асосий вазифаси— малакали ижрочилар тайёрлашдан иборат. Улар музика олий ўқув юртларида махсус таълим олишни давом эттирадилар. Энг истеъдодли болалар ўқиш учун Чайковский номидаги Москва Давлат консерваториясига юборилади.

Ҳар томонлама камол топиш, ижод қилиш учун ўқувчиларга барча шароитлар яратиб берилган. Ўқув юрти ёш талантлар учун санъат оламига кенг йўл очиб беради.

(ЎзТАГ).



МОСКВА. 1980 йили Тинчлик проспектидаги Европада энг катта усти берк стадион, Лужникидаги ноёб спорт зали, Битцевск ўрмон боғи районидаги от спорти базаси каби олимпиада объектлари улкан спорт анжуманн қатнашчиларини меҳмондўстлик билан кутиб олади. Ҳозир ана шу объектлар тез суръат билан бунёд этилмоқда.

СУРАТДА: Ленинград проспектидаги 11 минг томошабинга мўлжалланган енгил атлетика—футбол комплексининг макети.

ТАСС фотохроникаси.

• *Илм-фан оламида*

Орол олимларни чорлайди

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш кенгаши ҳузурида янги илмий сектор тузилди. Бу сектор Орол денгизи проблемаларини юзасидан олиб борилаётган тадқиқотларни мувофиқлаштириб туради. Тадқиқотларни ўтказишдан мақсад жуда катта халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган шу ноёб табиий ҳавзани сақлаб қолиш, денгиз сатҳи пасайишининг салбий оқибатларига йўл қўймаслик, сув запасларини тўлдириб туришнинг энг мақбул йўлларини топишдан иборат.

СССР Фанлар академиясининг география институти бош бўлган тадқиқотлар комплекс программасини амалга оширишга Ўзбекистоннинг кўпгина илмий муассасалари, Қозоғистон ССР ва бошқа қардош республикалардан тадқиқот коллективлари жалб қилинган. Изланишлар умумий проблеманинг иқтисодий, социал, гидро-физик, биологик ва бошқа жиҳатларини ўз ичига олувчи катта план бўйича олиб борилмоқда. Янги сектор фаолиятини белгиловчи координацион план беш бўлимдан иборат. Унинг асосий йўналишлари Орол денгизини сақлаб қолиш тадбирлари илмий асосларини ишлаб чиқиш, Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини бўёққа ташлашнинг халқ хўжалиги жиҳатидан мақбуллигини ҳар томонлама асослаб бериш иборат.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали Орол денгизини ўрганишни чуқурлаштириш билан боғлиқ бир неча илмий экспедициялар ташкил қилди. Бу экспедициялар денгизда ва қуруқликда иш олиб боради. Бу ерда табиёт фанлари комплекс институти билан ҳисоблаш маркази зиммасига ушбу программа бўйича катта вазифалар юкланган. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тупроқшунослик ва агрохимия институтида, экономика, кибернетика, ботаника институтларида, тармоқ илмий-тадқиқот муассасаларида катта тадқиқот ишлари олиб борилади. Комплекс программа Орол денгизи проблемаларини ўрганиш ва уларни ишлаб чиқишда етмишга яқин илмий ташкилот ва лойиҳалаш ташкилотлари қатнашишни кўзда тутади.

(ЎзТАГ).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ

3 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

6 МАРТ, 1978 й.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/III да **Золушка**, 9/III да **Севги ҳақида қисса.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/III да **Сахро тор**, 8/III да **Келинлар кўзғолони** (15.00), **Кўрмайин босдим тиконни** (19.30), 9/III да **Рўйхатларда йўқ.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/III да **Она қизим** (12.00 ва 19.30), 9/III да **Гулбаҳор қани?**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/III да **Тимасин соз**, 9/III да **Ҳаммомга бало бормн?**

КИНО

7 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Таҳдир** (катта зал, кундуз ва кечқурун).

Фидойи аёл — «ЧАЙКА» (11.30, 13, 17.30, 19.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 13, 19, 21.00), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (11, 13, 15, 17, 18.30, 20.00).

Таҳдир — «ЧАЙКА» (14.30, 20.30).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 13, 16, 17, 20.00).

Карпат довонлари — «МОСКВА» (11, 14, 17, 20.00).

Сиёвуш ҳақида қисса — «НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Равондаги хавфли эшик — «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (11, 13, 15, 17, 19, 20.00), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Она ер мадҳи — «ДРУЖБА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

8 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Таҳдир** (катта зал, кундуз ва кечқурун).

Фидойи аёл — «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 13, 19, 21.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» номли (жуфт соатларда), НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Бева аёл — «ЧАЙКА» (19.00), «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45).

Таҳдир — «ЧАЙКА» (14.30, 20.30).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 13, 16, 17, 20.00).

Кўз қорачиғи — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Карпат довонлари — «ВОСТОК» (10.30, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Равондаги хавфли эшик — «ДРУЖБА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Она ер мадҳи — «ДРУЖБА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 141-мактаб томонидан **Исроилов Ғофиржон Ибрагимович** номига берилган 618118 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА

1 МАРТДАН БОШЛАБ

ҚОРА-ОҚ ТАСВИРЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАР ВА УЛАРНИНГ ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИ ўртача 20 процентга;

180 ЛИТРгача ҲАЖМЛИ РЎЗҒОР ХОЛОДИЛЬНИКЛАРИ (180 литр ҳажмли ҳам)— ўртача 15 процентга;

СУЮҚ ВА ПАСТА ҲОЛИДАГИ СИНТЕТИК КИР ЮВИШ ВОСИТАЛАРИ — ўртача 18 процентга

АРЗОНЛАШТИРИЛДИ

АРЗОНЛАШТИРИЛГАН БУ МОЛЛАРНИ «ТАШҲОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ ҲАММА МАГАЗИНЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»
«УЗТОРГРЕКЛАМА»
ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7 МАРТ СОАТ 19.00 ДА

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ХОНАНДАЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА

Қорақалпоғистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ГУЛШОД ОТАБОЕВА

Карфагенда бўлиб ўтган VIII Жаҳон фестивалининг лауреати

МАВЛУДА ОЙНАҚУЛОВА

Шерали ЖЎРАЕВ, Хадича АЛИМАРДОНОВА, Ойхон ЕҚУБОВА, Нодира АҲМЕДОВА.

РАҚҚОСАЛАР:

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати

КАРИМА УЗОҚОВА

Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Моҳичеҳра НУРМУҲАМЕДОВА.

Оригинал жанрда — Саттор ИСЛОМОВ.
Интермедия ва юморда — Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Абдуфаттоҳ САИДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ ва Мавжуда ХОЛДОРОВА олиб борадилар.

Филармониянинг бадиий раҳбари — Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотларининг лауреати, композитор Мирсодиқ ТОЖИЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

«РУССКИЙ ЛЁН» ЧОРЛАЙДИ

«РУССКИЙ ЛЁН» МАГАЗИНИГА МАРҲАМАТ ҚИЛГАН КИШИ ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН ЭНГ МУНОСИБ СОВҒАЛАРНИ СОТИБ ОЛИШИ МУМКИН.

Лён — энг қадимий ва замонавий газламалардан биридир.

Лённинг ажойиб хусусияти ҳақида Қадимий Русда, Мисрда, Ассурияда ва Вавилонда жуда яхши билишган. Лён газламаси оғуғини кунда ҳам ўзининг ёркин ранги, майинлиги, чидамлиги билан харидорларни ҳурсанд қилмоқда.

Бизнинг давримизда лавсан материали лёнга қўшилиб унинг фазилатини янада оширди. Лавсан аралашган янги лён иккала толанинг сифатларини ўзида мужассамлаштирган. Такомиллашган газлама камроқ киришади, ғижимланавермайди.

Ҳар бир аёл кишига лён газламасидан бир кийимлик совға қилинса айни муддао бўлади. Ундан кўйлак ёки костюм, шим ёки юбка ва ҳатто блузка ҳам тикиб олиш мумкин. «Русский лён» магазинида ранг-баранг тусдаги — мовий, кулранг, қирмизи, сариқ ва бошқа рангдаги кўйлакбоп ва костюмбоп газламаларнинг исталган хилини танлаш мумкин. Жавонларга катакли, йўл-йўлли ва гул солинган лён газламалари ҳам сотувга қўйилган.


Лёнли газламалар ҳам байрамда совға этиладиган муносиб совға бўлаолади.

«Русский лён» магазинининг сотувчилари тантанали зиёфатлар учун гулдор дастурхонларни диққатингизга ҳавола қилишади. Бундан ташқари дарпардалар ва чойшаблар ҳам албатта сизга манзур бўлади.

Момиқли лёндан тикилган чойшаб ва сочиқлар иссиқ бўлиб, намни яхшигина шимиб олади. Бундан ташқари энг яхши хусусиятидан бири ювганда ранги оқариб кетмайди. Улар офтобда куйдирмайди, қайнатилганда айнамайди. Лёнли газламалар пахтали газламаларга қараганда 1,5 марта чидамлидир. Ювилгандан кейин бўшашиб кетмайди ва ўзининг янгилигини сақлаб туради. Лён газламасидан тикилган кийимлар ҳамиша ҳушбичим кўринади, кийишда чидамли ва модага тўла жавоб беради.

«РУССКИЙ ЛЁН» МАГАЗИНИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Магазин Шота Руставели кўчасидаги 43-уйда жойлашган. Магазинга 7, 9, 11, 14, 24, 30-трамвайлар, 13, 15, 16-троллейбуслар, 18, 54-автобус маршрутлари билан «Киров номли боғ» бекатигача борилади.



«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕБЕЛЬ САНОАТИ БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ

140-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ:—**кенг профилдаги ёғочсоз-станокчи** (ўқиш муддати — 1 йил), **дурадгор** (3 йил), **фанерчи** (1 йил), **пардозловчи** (1 йил), **ёғочсозлик ускуналарини созловчи** (3 йил), **прессчи** (1 йил), **бадиий ва моделли мебеллар дурадгорларини** (3 йил) **тайёрлайди.**

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

140-ҳунар-техника билим юрти янги замонавий типда қурилган. Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараги доим ишлаб туради. Янги типдаги спорт комплекси бор. Унда ҳар хил тўгараклар ишлайди (бокс, енгил атлетика, шахмат-шашка, футбол ва волейбол).

Областлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: таржиман ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, медицина справкаси.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.


Ҳужжатлар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, «Спутник» массиви, 4-квартал (58, 75-автобуслар, 15-троллейбуснинг «Билим юрти» бекати).

СИЗЛАРГА ЯХШИ МЕБЕЛЬ КЕРАКМИ?

У ҲОЛДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШҚАРМАСИНИНГ МАИШИЙ ЖИҲОЗЛАР ВА МЕБЕЛЛАР КОМБИНАТИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ.

БУ КОРХОНА БОЛАЛАР МЕБЕЛЛАРИ ВА БОШҚА ТУРЛИ МАҚСАДЛАРДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МЕБЕЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛМОҚДА.




БУ ЕРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН БАЪЗИ БИР МАҲСУЛОТЛАР ТУРИНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:

қўйлаклар ва ич кийимлар учун икки тавақали шкаф (баҳоси 112 сўм);

қўйлаклар ва ич кийимлар учун уч тавақали шкаф (баҳоси 152 сўм);

қўйлаклар ва ич кийимлар учун тўрт тавақали шкаф (баҳоси 219 сўм);



сервантлар (баҳоси — 197 сўм; 213 сўм; 230 сўм);
пружина тўшакли икки ўринли каравот (баҳоси 138 сўм);
бир кишилик каравот (баҳоси 95 сўм);
ошхона буфетлари (баҳоси 76 сўм 30 тийин);
стеллажлар (баҳоси 348 сўм);
ёзув столлари (баҳоси 56 сўм);
телевизор тагига қўйиладиган тумбочкалар (баҳоси 68 сўм);
болалар каравотлари (баҳоси 63 сўм 30 тийин);
китоб жавонлари (баҳоси 19 сўм);

ЮҚОРИДА САНАБ ЎТИЛГАН МЕБЕЛЬ НАМУНАЛАРИНИ МАХСУС САЛОНЛАРДА КЎЗДАН КЕЧИРИШ ВА СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙ БЎЛСИН УЧУН БУНДАЙ САЛОНЛАР ПОЙТАХТНИНГ ТУРЛИ РАЙОНЛАРИДА ОЧИЛГАН.

УЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИНИ ЭСДА САҚЛАНГ:

КУЙБИШЕВ райони — Луначарский шоссеси 59-уй, соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди, дам олиш куни — график бўйича, танаффус соат 13.00 дан 13.48 гача;

ОКТЯБРЬ райони — Хадра майдони (Ярмарка яқинида), соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди, дам олиш куни—график бўйича, танаффус 14.00 дан 14.48 гача;

КИРОВ райони — Олой бозори, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди, танаффус 13.00 дан 13.48 гача, дам олиш куни—график бўйича;

КИРОВ райони — Юнусобод массиви, Бозор, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди, танаффус 13.00 да 13.48 гача, дам олиш куни — график бўйича;

СОБИР РАҲИМОВ райони — Октябрь бозори, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди, танаффус 13.00 дан 13.48 гача, дам олиш куни—график бўйича;

ҲАМЗА райони — Қўйлиқ майдони, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди, танаффус 13.00 дан 13.48 гача, дам олиш куни — график бўйича;

АЙТАЙЛИК, СИЗ МЕБЕЛЬ НАМУНАЛАРИ БИЛАН ТАНИШИБ ЧИҚДИНГИЗ, КИМДИР УЛАРНИ СОТИБ ОЛАДИ. ЎЙЛАЙМИЗКИ, УЛАР СИЗГА ЖУДА ЁҚАДИ. ШУНДАЙ БЎЛСАДА, БАРИБИР ҲАММАНИКИДАН ЎЗИНИНГ ҚАНДАЙДИР ОРИГИНАЛЛИГИ, ЎЗИГА ХОСЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИГАН МЕБЕЛГА ЭГА БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСАН КИШИ. МАРҲАМАТ!

Комбинатда сизга бажонидил ёрдам беришади. Фақат сиз ўз уйингизда кўришни истаган мебелнинг чизмаси, унинг нусхасини келтиринг. Тажрибали мутахассис сизга маслаҳат беради, консультация ўтказади ва заказингизни қабул қилади.


КОМБИНАТ АДРЕСИНИ ЭСЛАБ ҚОЛИНГ: Собир Раҳимов райони, Қорасарой кўчаси, 282 «а»-уй. Комбинат бошқармаси соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди, танаффус 13.00 дан 13.48 гача, дам олиш куни—шанба ва якшанба.

КОМБИНАТ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ЯНА ИККИ ХИЗМАТИ ҲАҚИДА ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ.

Юқорида адреси кўрсатилган комбинат бошқармасига қуйидаги: 48-06-35, 48-35-26 телефонлар орқали Ватанимизда, чет элларда ишлаб чиқарилган ҳар қандай мебелларни ремонт қилиш, диван тасмаларини торттириш, облицовка материаллари ёки газмолларни алмаштириш, корпусли мебелларни елимлаш учун заявка беришингиз мумкин.


РЕМОНТ БУЮРТМАЧИНИНГ ХОҲИШИГА КЎРА КОМБИНАТДА ЁКИ УЙДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

ЙЎЛДОШ ШАҲАРЧА СЕРГЕЛИДА, МАИШИЙ ХИЗМАТ УЙИДА ҲАМ МЕБЕЛЬ РЕМОНТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.



Бу ерда мебелларингиз тартибга келтирилади, агар хоҳласангиз лаклаб ёки полировкалаб ҳам берилади. Бу хизматларни Тошкентга доимий қатнаб турувчи учта кўчма автоустахона амалга оширади. Мавжуд тўртгала устахонада иш режими куйидагича: иш вақти соат 9.00 дан 18.00 гача, танаффус 13.00 дан 13.48 гача, дам олиш куни—душанба, сешанба.

Кўпинча магазинга кирганимизда кўп вақт биз ўз дидимизга ёқадиган зарур размердаги тошойна танлашга қийналамиз. Агарда сервант ёки бар деворидаги ойна синиб қолса, нима қилиш керак? Ёки сиз эскисини тиклашни хоҳлайсизми? Яхшиси сизларни ойна цехи мутахассислари хизматидан фойдаланишга таклиф этамиз: Бу цех—Ленин райони, 2-Кафанов проезди, 10-уй («Ударник» ёзги кинотеатри ва Госпиталь бозори яқинида) жойлашган. Иш вақти соат 9.00 дан 18.00 гача, танаффус 13 дан 13.48 гача, дам олиш куни—шанба, якшанба.



МАИШИЙ ЖИҲОЗЛАР ВА МЕБЕЛЛАР КОМБИНАТИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

6 МАРТ — ДУШАНБА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси

17.15 «Китобсеварлар учун». Чет эл адабиёти Бутуниттифоқ Давлат кутубхонаси китобхонларининг икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси А. А. Леонов, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Ю. Н. Глазков, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. С. Авдуевский, ёзувчи: Европа фантаст ёзувчилари комитетининг президенти Б. Н. Парнов, Ленин номли Бутуниттифоқ Давлат кутубхонасининг илмий котиби В. А. Скороденко, композитор А. Н. Пахмутова, шоир Н. Н. Добронравов, журналист М. Ф. Ребров, рассомлар А. М. Аксамит, Л. М. Шаров, А. К. Соколовлар билан учрашуви. 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Бегона излар». Мультфильм. 18.50 «Учинчи йил —зербдор йил». «Мамлакатга кўплаб қоғоз маҳсулотлари етказиб берайлик». Кўрсатувда СССР целлюлоза-қоғоз саноати министри К. И. Галаншин иштирок этади. 19.30 «Театр спектакли». А. ва П. Тур. «Ягона гувоҳ». М. Горький номли ССР Иттифоқи Москва бадиий академик театрининг фильм-спектакли. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Борис Мокроусов. Қўшиқлар». Фильм-концерт. 22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — МАСК. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида—Янгиликлар.

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

17.35 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Ҳаммамиз бирга бўлсак». 18.30 «Баҳорнинг бир куни йилга татийди». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 18.45 «Халқаро ҳаётнинг актуал проблемалари». 19.05 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.20 Телевизион театр. А. Вампилов. «Қилмиш-қидирмиш». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Сурхондарё область Сариосиё район «Ленинград» колхози «Шаҳло» бадиий ҳаваскорлик коллективининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Беш йилликнинг зарбдор қурилишларида». «Олмалиқ химия заводи». 22.15 «Ўгай она». Бадиий фильм. 23.35 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» (Тошкент) —АСК (Куйбишев). «Юбилейний» Марказий спорт залидан репортаж (ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Бу иш осон эмас». 19.15 «Нина Ургант». Адабий портрет (рус.). 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Қўшиқларим сенга аталган». СССР халқ артисти М. Бнешу куйлайди. Телевизион фильм-концерт. 21.15 «Қизиқарли математика». 21.45 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. «Олий ўқув юртларида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш».

7 МАРТ — СЕШАНБА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Горничлар, қаердасиз?». 10.25 «Экранда— кинокомедия». «Менинг муҳаббатим». Бадиий фильм. 11.40 «Киносеҳатчилар клуби». 15.40 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 16.00 Э. Войнич. «Сўна». 16.30 «Қувноқ стартлар». 17.15 «СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари».

17.45 «Вил ва уддала». Ёш техниклар учун кўрсатув. 18.30 Янгиликлар. 18.40 Совет қўшиқларидан концерт. 19.05 «Валентина Голубева». Телевизион очерк. 19.30 А. Хачатурян. «Спартак» балетига ёзилган куйлар. Москва Давлат симфоник оркестри ижро этади. 19.55 Халқаро хотин-қизлар куни— 8 мартга бағишланган тантанали йиғилиш. Байрам концерти. ССР Иттифоқи Большой театридан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида— «Вақт» информацион программаси. 23.20 «Рақс зали».

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Зулфия— гўзал ҳаётимиз куйчиси». Ўқув кўрсатуви. 13.00 «Куйловчи юлдузлар». Адабий кўрсатув (рус.). 12.30 «Ўгай она». Бадиий фильм. 17.25 Кўрсатувлар программаси.

17.30 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг медицина фанлари доктори, профессор М. Ашрапова билан учрашуви. 18.00 «Кино оламида». Кўрсатув Халқаро хотин-қизлар куни — 8 мартга бағишланади. 19.00 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.15 «Қалбимда баҳор». Телевизион фильм-концерт премьераси. («Ўзбектелефильм»). 19.35 «Ахборот» информацион программаси. 19.55 Москва. Халқаро хотин-қизлар куни — 8 мартга бағишланган тантанали йиғилиш. Байрам концерти. ССР Иттифоқи Большой театридан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Вақт» информацион программаси. 23.20 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Онамга совға». 19.20 «Генетика ва пахтачилик». Биологиядан ўқув кўрсатуви. (рус.). 19.50 Реклама ва эълонлар. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Хотин-қизлар, Сизлар учун». Концерт.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

6 МАРТ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83, қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарвар ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Р—00223.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1251.